



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Юқоричирчиқ тумани 2022 йил 19 декабрь 4-1105-2201/2402-сонли иш

Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий судининг раиси Ғ.Машкуров раислигида, судья ёрдамчиси Б.Насировнинг котиблигида, аризачи Паркент туман давлат солиқ инспекциясининг жавобгар “АКЕЛЕЖАК ИМКОНЛИ НАҲОТ” масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризасини аризачи вакили Р.Юсупов (2022 йил 13 майдаги 21-04606-сонли ишончнома) иштирокида, Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий суди биносида, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

“АКЕЛЕЖАК ИМКОНЛИ НАҲОТ” масъулияти чекланган жамияти (матнда жавобгар деб юритилади) 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинмаган солиқ ҳисоботини Паркент туман давлат солиқ инспекцияси (матнда аризачи деб юритилади)га тақдим қилмаганлиги сабабли аризачи судга мурожаат қилиб, жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили жавобгар солиқ ҳисоботини бугунги кунга қадар тақдим этмаганлигини маълум қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлсада, жавобгар вакили суд мажлисига келмади.

Суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (матнда ИПК деб юритилади) 128, 220-моддасига асосан ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд ишдаги ҳужжатларни ўрганиб, суд мажлисида иштирок этган аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3619-сонли Фармонида мувофиқ 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (бундан буён матнда СК деб юритилади) 82-моддасига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга



олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботида илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

СК 273-моддасига кўра, солиқ тўловчилар, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Аниқланишича, аризачи жавобгарга хабарнома юбориб, жавобгар томонидан 2022 йил сентябрь оyi учун айланмадан олинадиган солиқҳисоботи тақдим этилмаганлигини маълум қилиб, солиқ ҳисоботини тақдим этиш бўйича яқиндан ёрдам беришга тайёр эканлигини билдиришган. Бироқ, жавобгар солиқ ҳисоботини тақдим қилмаган.

Аризачининг қарори билан жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлар бўйича операциялари ўн кунга қадар тўхтатилган ва жавобгар аниқланган камчиликларни ўн кун ичида бартараф этмаганлиги учун судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

СК 111-моддасининг биринчи қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

СК 111-моддасининг учинчи қисмига кўра, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда қўлланилиши мумкин.

ИПК 221-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, суд ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганда ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун асослар бор-йўқлигини аниқлайди.

Суд, жавобгар томонидан 2022 йил сентябрь оyi учун айланмадан олинадиган солиқ ҳисоботи тақдим қилинмаганлиги сабабли аризачининг ариза талабини асосли деб уни тўлиқ қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди.

ИПК 222-моддаси учинчи қисмининг 4-бандига биноан ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, иқтисодий суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида банклардаги



ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Суд “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинганлигини ҳамда ариза судга электрон шаклда тақдим қилинганда почта харажат ундирилмаслигини инобатга олиб, давлат божи ва почта харажати ундирмасликни лозим топди.

Юқоридаги баён этилган ҳолатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128, 176-179, 215-222-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и:

Паркент туман давлат солиқ инспекциясининг аризаси қаноатлантирилсин.

“AKELEJAK IMKONLI HAYOT” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операция (бюджетга тўловлар, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар бериш ҳоллари бундан мустасно)ларининг чиқиш қисми солиқ ҳисоботи тақдим этилгунга қадар тўхтатиб қўйилсин.

“AKELEJAK IMKONLI HAYOT” масъулияти чекланган жамиятига хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисоб рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, давлат солиқ органи хизмати томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қарори ўн кунлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддат ичида Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий суди орқали Тошкент вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция шикояти (протести) берилиши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Ғ.Машкуров

